

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2010 йил «15» ноябрдаги 10 сонли қарорига
илова

**«Харажатлар-Ишлаб чиқариш» жадвалларини тузишда
устама ва солиқ матрицаларини тузиш бўйича
услугий низом**

Ушбу услубий низом нарх шакллантирувчи матрицалар тизимини ҳисоблаш ва тузишда фойдаланиш учун мўлжалланган. Ушбу тизимни тузишдан асосий мақсад сотиб олиш нархидаги «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадвалидан асосий нархлардаги «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадвалига ўтишдан иборат.

Асосий нархлардаги «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадвали жадвалларни сон жиҳатидаги тавсифларини транспорт, савдо-воситачилик устамаси ва соф солиқлар таъсирисиз тузиш имкониятини беради, шунингдек тармоқлараро балансни математик усул орқали ҳисоблашнинг асоси ҳисобланади.

**I. Асосий нархлардаги «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши»
жадвалини тузиш**

1. Сотиб олиш нархлардаги мос жадваллар асосий нархлардаги «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадвалининг асоси бўлиб ҳисобланади. Асосий нархлардан фойдаланиш ушбу жадвалнинг сатр ва устунларида келтирилган кўрсаткичларни баҳолашнинг бир хилда бўлишини таъминлайди, ва транспорт, савдо-воситачилик устамаси ва соф солиқлар таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда «Тармоқ-Маҳсулот» кўринишидаги боғлиқликнинг миқдорий кўрсаткичларни олиш имкониятини беради. ✓

Асосий нархлардаги «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадвалининг шартли тасвири услубий низомнинг иловасида келтирилган.

2. Асосий нархлардаги «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадваллари сотиб олиш нархидаги жадваллар каби уч квадрантдан иборат.

Асосий нархлардаги «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадвалининг I ва II квадрантларида қуйидаги сатрлар ажратилади:

- а) ишлатилган товарларга транспорт устамаси;
- б) ишлатилган товарларга савдо-воситачилик устамаси;
- в) ишлатилган товарлар ва хизматларга нисбатан маҳсулотга соф солиқлар.

Асосий нархлардаги «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадвалининг III квадранти ўзгаришсиз қолади ва сотиб олиш нархидаги жадвалда келтирилган тегишли маълумотларга тўлиқ мос келади.

3. Ушбу жадвалдаги ҳар бир турдаги товарлар ва хизматларнинг ишлаб чиқариш ва ишлатилиши кўрсаткичлари асосий нархларда кўрсатилади, ҳар бир турдаги товарлар ва хизматлар бўйича оралиқ истеъмолнинг ва якуний талаб функционал элементларининг якуний миқдорини ташкил қилувчи таркибий қисмларга (маҳсулотларга соф солиқлар кўринишидаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар, савдо-воситачилик ва транспорт ташкилотлари ҳамда давлат томонидан олинган қиймат) ажратган ҳолда сотиб олиш нархида кўрсатилади.

II. Нарх шакллантирувчи матрицалар тизими

4. Асосий нархларда “Товарлар ва хизматлар ишлатилиши” жадвалини тузиш учун нарх яратувчи омилларнинг таркибий қисмларини акс эттирувчи қуйидаги матрицалар тизими ҳисоблаб чиқилади ва тузилади:

- а) транспорт устамалари;
- б) савдо-воситачилик устамалари;
- в) маҳсулотларга акцизлар ва солиқлар;
- г) маҳсулотларга субсидиялар.

5. Асосий нархларда “Товар ва хизматлар ишлатилиши” жадвалининг (**Жа.н**) кўрсаткичлари қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{Ж а.н} = \text{Ж с.о.н} - \text{М т.у} - \text{М с.в.у} - \text{М м.а.с} + \text{М с},$$

бу ерда **Ж с.о.н** - сотиб олиш нархида товар ва хизматлар ишлатилиши жадвали;

М т.у - транспорт устамалари матрицаси;

М с.в.у - савдо-воситачилик устамаси матрицаси;

М м.а.с - маҳсулотларга акциз ва солиқлар матрицаси;

М с - маҳсулотларга субсидия матрицаси.

1. Транспорт устамалари матрицаси

6. Транспорт устамалари матрицасини тузиш ҳар бир турдаги транспорт: темир йўл, автомобил, ҳаво йўллари, қувур йўли транспорти бўйича матрица устамаларини тузиш орқали амалга оширилади.

Транспорт устамалари матрицаси ҳар бир транспорт тури бўйича устамалар матрицалари йиғиндисидан шаклланади.

7. Транспорт устамалари матрицаси ўзида маҳсулот таркибидаги харидорлар (товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилар ёки сўнгги истеъмолчилар) томонидан тўланган транспорт хизматлари баҳосини кўрсатувчи элементлар жадвалини ифодалайди.

Транспорт устамаларига етказиб берувчилар томонидан сотиб олувчи учун алоҳида ҳисоб рақамда кўрсатиладиган ва сотувчилар учинчи тарафга тўлайдиган юк

ташиш тўлови харажатлари киради. Харидорларнинг ўз ҳисобидан товарларни етказиб берилиши транспорт устамаси ҳисобланмайди ва таннархдаги транспорт харажатлари каби ҳисобга олинади.

8. Транспорт устамалари матрицалари қуйидаги алгоритм бўйича ҳисобланади:

а) биринчи босқичда тармоқлараро оқимлар таҳлили асосида товар маҳсулоти ҳисобланмайдиган ва тармоқ ичида маҳсулот ташиш бўйича харажатлар билан боғлиқ бўлган саноат тармоқлари ички айланмасининг бир қисми аниқланади. Бу юк ташишлар асосан ўз транспортида амалга оширилади ва таннархга қўшилувчи транспорт харажатлари ҳисобланади. Тармоқларнинг ички айланмасида транспорт устамаларига эга бўлмаган нотовар маҳсулотлар ҳажмини аниқлаш, корхона ички айланмасини аниқлаш асосида амалга оширилади;

б) иккинчи босқичда товар маҳсулотларнинг ишлатилиш ҳажмининг матрицаси (**М т.м**) қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\mathbf{М\ т.м} = \mathbf{Жс.о.н} - \mathbf{Ми.об} - \mathbf{З} - \mathbf{Мх.и.м},$$

бу ерда **Жс.о.н** - сотиб олиш нархида маҳсулотларнинг ишлатилиш жадвали;

Ми.об - товар маҳсулоти бўлмаган тармоқ ички айланмасининг матрицаси;

З - тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш захирасининг ўзгариш вектори;

Мх.и.м - ўз ишлаб чиқариш маҳсулотларининг матрицаси.

в) учинчи босқичда транспорт устамалари матрицаси ҳисоблаб чиқилади. Иккинчи босқич ҳисоб-китоби натижалари бўйича олинган товар маҳсулотларининг ишлатилиш матрицаси (**Мт.м**) бўйича тақсимланадиган «Товарлар ва хизматлар ресурслари» жадвалидаги транспорт устамалари вектор - устуни якуний назорат ҳисобланади.

9. Транспорт устамалари матрицасини ҳисоблашни амалга оширишда товарларни гуруҳларга ажратиш лозим:

а) ишлаб чиқариладиган жойлар яқинида кўпроқ истеъмол қилинадиган товарлар (нон, сут, қурилиш материалларининг баъзи турлари ва ҳ.к.). Бундай товарлар одатда автомобил транспортида ташилади;

б) қувур йўли орқали ташиладиган товарлар (газ, нефт, нефт маҳсулотлари);

в) аҳоли томонидан шахсий истеъмоли учун ишлаб чиқариладиган товарлар.

2. Савдо-воситачилик устамаси матрицаси

10. Савдо-воситачилик устамалари матрицаси, ҳар бир элементи аниқ товар ёки хизмат ишлаб чиқарувчилари ёки унинг сўнгги истеъмолчилари томонидан тўланган маҳсулот нархида савдо-воситачилик таркибини кўрсатувчи жадвалдан иборат.

11. Ишлатилган ресурслар бўйича савдо-воситалик хизматининг қиймати чакана, улгуржи ва ташқи савдо учун алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

12. Чакана савдо устамасининг катта қисми уй-хўжаликларининг истеъмол товарларини харид қилиш харажатларида амалга оширилади.

Товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи иқтисодий субъектлар кўпинча улгуржи савдо хизматидан фойдаланадилар.

Экспорт амалда чакана савдо устамалари билан боғлиқ эмас.

13. Чакана савдо устамаси чакана савдо орқали олинган товарнинг ишлатилишини тавсифловчи чакана товар айланмаси матричасига мутаносиб равишда тақсимланади.

14. Ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдо устамаси оралиқ эҳтиёж учун маҳсулотнинг ишлатилишига (ички айланмадан ташқари) ва якуний эҳтиёжларнинг айрим элементларига (асосий капиталнинг жамғарилиши, ишлаб чиқариш захираларининг ва улгуржи савдодаги товарлар захирасининг ўзгариши) мутаносиб равишда тақсимланади.

Истеъмол товарларининг улгуржи савдо устамаси ушбу кўринишдаги маҳсулотнинг уй хўжаликларининг якуний истеъмоли учун ва товар захираларининг ортиши учун ишлатилишига мутаносиб равишда тақсимланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улгуржи савдо устамаси (тайёрлов устамаси), ушбу маҳсулотларнинг ишлатилишига мутаносиб равишда тақсимланади.

15. Ташқи савдо устамаси:

а) экспорт устамаси мос товарлар гуруҳлари экспортида тўлиқ ўз аксини топади;

б) импорт устамаси импорт маҳсулотларининг ишлатилишига мутаносиб равишда тақсимланади.

16. Кўчмас мулк билан операциялар бўйича воситачилик устамаси қурилиш маҳсулотлари нархига тўлиқ киритилади, ва мос равишда капиталнинг жамғарилишида кўрсатилади.

17. Товарларни сотиш бўйича воситачилик устамаси улгуржи устамаларнинг олинган йигинди матричасига мутаносиб равишда тақсимланади.

3. Маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар матричаси

18. Маҳсулотларга солиқлар – бу ишлаб чиқарувчи-резидент томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматлар миқдори ёки қийматига мутаносиб равишда олинадиган солиқлардир.

19. «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадвалида ишлатилган ресурслар қиймати чегирилмайдиган ҚҚС ни, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришда ишлатиладиган товарлар ва хизматлар учун тўланадиган ҚҚС ни қўшган ҳолда кўрсатилади.

Товарлар ва хизматлар гуруҳлари бўйича чегирилмайдиган ҚҚС сотиб олиш нархидаги «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадвали асосида тўрт босқичда ҳисоблаб чиқилади:

а) биринчи босқичда ҚҚСни ҳисобга олган ҳолдаги I ва II квадрантлар кўрсаткичларида акс эттирилган маҳсулот матрицаси аниқланади.

б) иккинчи босқичда чегирилмайдиган ҚҚСнинг ўртача ставкалари матрицаси куйидаги формула орқали аниқланади:

$$D_j = NNbbj / P bbj,$$

бу ерда D_j - j-тармоқда чегирилмайдиган ҚҚСнинг ўртача ставкаси;

$NNbbj$ - j-тармоқда маҳсулотга ҳисобланган ҚҚС;

$P bbj$ - j-тармоқда маҳсулотларни сотишдан тушган тушум.

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижасида чегирилмайдиган ҚҚСнинг ўртача ставкалари матрицаси (Д матрица) шаклланади.

в) учинчи босқичда назарий жиҳатдан чегирилмайдиган ҚҚС матрицаси куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$P_{ij} = F_{ij} \times D_{ij} / (1 + D_{ij}),$$

бу ерда P_{ij} - j истеъмолчи фойдаланган i маҳсулотга назарий жиҳатдан чегирилмайдиган ҚҚС;

F_{ij} - j истеъмолчи томонидан ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда i маҳсулот баҳоси;

D_{ij} - j истеъмолчи учун i маҳсулотга чегирилмайдиган ҚҚСнинг ўртача ставкаси.

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижасида назарий жиҳатдан чегирилмайдиган ҚҚС матрицаси (Р матрица) шаклланади.

г) тўртинчи босқичда ҳақиқатда чегирилмайдиган ҚҚС матрицаси (Н матрицаси) ҳисоблаб чиқилади. Р матрицанинг ҳар бир элементи тузатишлар киритиш коэффициентига кўпайтирилади, у «Товарлар ва хизматлар ресурслари» жадвалидаги ҚҚС вектор-устуни маълумотларининг Р матрица якуний вектор-устуни маълумотларига нисбати каби ҳисоблаб чиқилади.

20. Кейинги босқичда акцизлар матрицасининг ҳисоб-китоби амалга оширилади.

Акцизлар матрицасини ҳосил қилиш учун акцизлар вектор устуни акцизланган товарларнинг ишлатилиши йўналишларидан келиб чиққан ҳолда товарлар гуруҳи бўйича тақсимланади. Масалан, нефт акцизи нефт қазиб олиш саноати маҳсулотларининг ишлатилиши таркиби бўйича, ароқ ва ароқ маҳсулотлари акцизи мос равишда уй хўжалигида якуний истеъмол ва савдодаги захираларнинг ўсишига қараб тақсимланади.

21. Экспорт солиғи матрицаси экспорт божи ва божхонадаги расмийлаштириш ишлари учун йиғимни ўз ичига олади.

Экспорт қилинадиган товарларга солинадиган экспорт божи етказиб бериш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда тасдиқланган ставкалар бўйича ҳисобланади. Экспорт божи ставкалари доимий кўрсаткич ҳисобланмайди, улар бекор қилиниши ёки такроран

киритилиши мумкин. Шунинг учун экспорт қилинаётган товарлар бўйича экспорт божини ҳисоблашда маълум давр учун уларнинг экспорти қиймат ҳажми ўша давр учун экспорт божларининг тегишли ставкаларига кўпайтирилади. Шу йўл билан аниқланган товарларга белгиланган экспорт божлари жамланади. Олинган натижалар давлат бюджети ижроси бўйича Молия вазирлигидан олинган маълумотлар билан солиштирилади. Ўртада фарқ мавжуд бўлганда, якуний маълумотлар давлат бюджети маълумотларига тенг деб, товарлар бўйича унинг тақсимот таркиби эса юзага келган ҳақиқий нисбат даражасида қабул қилинади.

Алоҳида маҳсулотлар бўйича божхона расмийлаштирув йиғимларининг ҳисоб-китоби экспортнинг товар таркибига асосан амалга оширилади.

22. Экспорт солиқлари матрицасининг барча элементлари нолга тенг, аниқ маҳсулотлар бўйича экспорт солиғи акс эттирилган «экспорт» устуни бундан мустасно.

23. Импорт учун солиқлар матрицасини топиш учун импорт товарлар ва хизматлар солиғи мос равишда тегишли импорт маҳсулотларининг ишлатилишига мутаносиб равишда тақсимланади.

24. Маҳсулотларга субсидиялар матрицасини топиш учун маҳсулотлар субсидияси субсидиялар вазифасидан келиб чиққан ҳолда ишлатилиш йўналишлари бўйича тақсимланади.

25. Нарх шакллантирувчи матрицалар ҳисоб-китобидан кейин асосий нархлардаги «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадвали ҳисоблаб чиқилади. Кўрсаткичларда номутаносибликлар аниқланганда, жадвалга тузатишлар киритилади.

III. Импорт товарлари ва хизматлари ишлатилиши матрицаси

26. Мамлакат иктисодиётининг импортга боғлиқлик даражасини аниқлаш учун импорт товарлари ва хизматлари ишлатилиши матрицаси ҳисоблаб чиқилади.

Импорт товарлари ва хизматлари ишлатилиши матрицаси оралиқ (маҳсулот турлари бўйича) ёки якуний (функционал элементлар бўйича) истеъмолда ишлатилган импорт товарлар ва хизматлар баҳоси (асосий нархларда) акс эттирилган жадвалдан иборат.

27. Ушбу матрицани тузиш учун Давлат божхона қўмитасининг импорт бўйича кирувчи товарларнинг миқдори ва тўлиқ номи тўғрисидаги ахборотидан фойдаланилади.

Импорт товарлари ишлатилиши мумкин бўлган йўналишлар ҳақидаги фаразлар асосида, шунингдек мутаносиблик таъмоилини қўлаган ҳолда оралиқ эҳтиёж тармоқлари ва якуний истеъмол йўналишлари бўйича импорт ресурсларининг тақсимоти амалга оширилади. Масалан, истеъмол товарлари асосан чакана савдо орқали сотишга мўлжалланган. Бундан кўриниб турибдики, уларнинг асосий қисми аҳолининг якуний истеъмоли қийматига қўшилган ва яна бир қисми чакана ва улгуржи савдо захираларида сақланиб қолиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда импорт

қилинаётган истеъмол товарларининг қиймати ушбу ишлатилиш йўналишларига мутаносиб равишда тақсимланади. Импорт қилинадиган машина ва ускуналар асосий фондлар бўлиб ҳисобланади ва мос равишда асосий капитал жамғарилишида акс этади.

28. Оралиқ ва якуний истеъмол йўналишлари бўйича импорт хизматларининг тақсимои баҳолаш йўли орқали амалга оширилади.

IV. Маҳаллий товарлар ва хизматлар ишлатилиши матрицаси

29. Маҳаллий товарлар ва хизматлар ишлатилиши матрицаси ҳисоб-китоб йўли билан тузилади. Асосий нархдаги «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» матрицасидан асосий нархдаги «Импорт қилинган товарлар ва хизматлар ишлатилиши» матрицаси чегирилади. Айрим кўрсаткичларда манфий қиймат ҳосил бўлган ҳолларда тизимнинг барча матрицалари қайта текширилади ва ўзгартиришлар киритилиб, манфий кўрсаткичлар йўқотилгандан сўнг, маҳаллий товарлар матрицаси тайёрланган ҳисобланади.

V. Хулоса

30. Асосий нархларда «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадвалини тузишнинг таҳлилий ва статистик мақсадлари қуйидагилардан иборат:

а) тегишли тузатишларни киритиш мақсадида сотиб олиш нархидаги товарлар ва хизматлар русурслари ва ишлатилиши жадвалларини ҳисобалашда камчиликлар ва айрим ноаниқликларни аниқлаш;

б) «Харажатлар-Ишлаб чиқариш» жадвалларининг макроиқтисодий ва статистик моделини математик усуллар орқали ҳисоблаш учун асосларни аниқлаш («Харажатлар-Ишлаб чиқариш» симметрик жадвалини тузиш учун сотиб олиш нархидаги «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадвалидан асосий нархлардаги «Товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадвалига ўтиш асослари);

в) жадвалларни транспорт, савдо-воситачилик устамалари ва соф солиқлар таъсирсиз миқдорий тавсифлаш;

г) асосий нархларда иқтисодиётнинг «хўжалик» ва «соф» тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмол, қўшилган қиймат, якуний талабнинг қиймат ва таркибий кўрсаткичларини ҳисоблаш;

д) «хўжалик» ва «соф» тармоқлар бўйича асосий нархларда маҳаллий ва импорт қилинган товар ва хизматлар истеъмолини ҳисоблаш.

«Харажат-Ишлаб чиқариш» жадвалларини
тузишда устама ва солиқ матрицаларини
тузиш бўйича услубий низомга
илова

«Асосий нархдаги товарлар ва хизматлар ишлатилиши» жадвалининг схемаси

Товарлар ва хизматлар номи	Оралик эҳтиёж		Якуний истеъмол	Ялпи жамғарма	Экспорт	Импорт	Тузатишлар СИФ/ ФОВ	Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ишлатилиши - жами (асосий нархларда)
	Иқтисодийёт тармоқлари	Тармоқлар бўйича жами						
A	1	2	3	4	5	6	7	8
Товарлар ва хизматлар Жами ишлатилган (асосий нархларда) Транспорт устамаси Савдо-воситачилик устамаси Маҳсулотларга соф солиқлар Тузатишлар Оралик истеъмол (сотиб олиш нархида) Қўшилган қийматнинг таркибий қисмлари Тармоқлар ишлаб чиқаруви (асосий нархларда)	I квадрант		II квадрант					III квадрант

1691